



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҚАРОРИ

2020 йил 20 апрель

18-04/06 -сонли

Қарши шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида жорий йилнинг 14 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини икки баробарга ошириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида жорий йилнинг 14 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини икки баробарга ошириш бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари У.Бутаевнинг ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 24 - моддасига асосан халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида жорий йилнинг 14 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини икки баробарга ошириш бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари У.Бутаевнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида жорий йилда асосий турдаги озиқ-овқат (қишлоқ хўжалиги) маҳсулотларини ўтган йилга нисбатан икки баробарга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Курбонов) жорий йилнинг апрель-май ойларида ирригация-мелиорация тадбирлари асосида фойдаланишдан чиққан суғориладиган ерларни қайта фойдаланишга киритиш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси”даги лойиҳаларини ўз муддатида амалга оширилишини таъминлансин.

4. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида жорий йилнинг 14 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикада озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини икки бараварга ошириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

- тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг ижросини назорат қилиш;

- деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш ишларини ташкил этиш юзасидан назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Бутаев, О.Боймиров, Д.Аллаевлар ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси




З.Мирзаев



Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил “20” апрелдаги
16-04/06 -сонли қарорига илова

**Вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида
жорий йилда асосий турдаги озиқ-овқат (қишлоқ хўжалиги) маҳсулотларини
ўтган йилга нисбатан икки баробарга ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Амалга ошириладиган ишлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Муддати	Масъуллар
1.	Вилоятда қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш	2020 йил ҳосили учун асосий, такрорий, боғ, ток ва тутзорлар қатор ораларига қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш орқали аҳолига сифатли ва узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан вилоят ва туманлар ҳокимларининг қарорларини қабул қилиш	2020 йил 20 апрелгача	Вилоят ҳокимлиги (Боймиров), туманлар ҳокимликлари
2.	Вилоятда аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида асосий турдаги қишлоқ хўжалик озиқ-овқат экинларини кўшимча экиш	Асосий майдонларга: Жами 2647 гектар кўшимча, жумладан, 887 гектарга сабзавот, 370 гектарга полиз, 1290 гектарга дуккакли, 100 гектар мойли экинларни экиш; Боғ-ток ва тутзорлар қатор ораларига: Кўшимча 2084 гектар сабзавот, 878 гектар полиз, 1002 гектар картошка, 5006 гектар дуккакли, 1146 гектар мойли экинлар экиш; Ғалладан бўшаган майдонларга: Кўшимча 2332 гектар сабзавот, 5100 гектар картошка, 55,5 минг гектар гектар дуккакли экинлар экишни ташкил этиш.	2020 йил 1 майгача 2020 йил 10 майгача 2020 йил 15 июлгача	Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Ҳайдаров), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Усмонов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Турсунов), туман секторлар раҳбари

3.	Қўшимча экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг экилишини назорат қилиш	2020 йил ҳосили учун асосий, такрорий майдонларга ҳамда боғ, ток ва тутзорлар қатор ораларига экиладиган қишлоқ хўжалик экинларини экиш мавсуми давомида ўлчовдан ўтказиш	экиш ишлари яқунлангандан кейин	Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Усмонов), туманлар ҳокимликлари
4.	Экилган қишлоқ хўжалиги озик-овқат экинларини ўз вақтида суғориш	Вегетация даврида ажратилган сув лимитлари доирасида қишлоқ хўжалиги экинлари турларининг сувга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда суғориш графиклари асосида ўз вақтида сув билан таъминлаш	мавсум давомида	Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Қурбонов) туманлар ҳокимликлари
5.	Экилган қишлоқ хўжалиги озик-овқат экинларини парваришлаш	Асосий ва такрорий майдонларга ҳамда боғ, ток ва тутзорлар қатор ораларига экилган қишлоқ хўжалик экинларини касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш учун зарур кимёвий препаратлар захирасини яратиш, фирма дўконларини очиш, ёқилғи мойлаш материалларини етказиб бериш ва агрокимё хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш	мавсум давомида	“Агрокимёхимоя” ҲАЖ (Дўстмуродов), “Қарши нефтбазаси” МЧЖ (Махмудов), туманлар ҳокимликлари
6.	Экилган майдонларда етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиб олиш	<p>Асосий майдонлардан: 30 минг тонна сабзавот, 11,1 минг тонна полиз, 300 тонна мойли, 2 минг тонна дуккакли маҳсулотлар;</p> <p>Боғ-ток ва тутзорлар қатор ораларидан: 23,6 минг тонна сабзавот, 21,2 минг тонна полиз, 14,9 минг тонна картошка, 4,6 минг тонна дуккакли маҳсулотлар;</p> <p>Ғалладан бўшаган майдонларга: 47 минг тонна сабзавот, 92 минг тонна картошка, 97,5 минг тонна дуккакли маҳсулотларни ўз вақтида йиғиб олиш.</p>	<p>белгиланган муддатларда</p> 	<p>Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Ҳайдаров), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Усмонов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Турсунов), туман секторлар раҳбари</p>

7.	Фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ҳамда лалми ва адир ерларни ўзлаштириш.	Вилоятда 8 та туманда 5995 гектар фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерларни ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш орқали қайта ўзлаштириш; лалми ва адир ерларда биринчи босқичда 97 та контурда 3200 гектар майдонни босқичма-босқич қайта ўзлаштириш учун 73 дона кудуқ қазил, 43 км узунликда электр тармоғи тортиш, 73 дона трансформатор ўрнатиш;	2020 йил 1 июнгача	Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Қурбонов), “Қашқадарё сув қурилишинвест” ДУК (Рахимов), Насос станциялари ва энергетика бошқармаси (Хуррамов), туманлар ҳокимликлари
8.	Қайта ўзлаштирилган ерларга озик-овқат экинларини жойлаштириш ва экиш.	8 та тумандаги 5995 гектар фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ҳамда ўзлаштирилган 3200 гектар лалми ва адир ерларга озик-овқат экинларини жойлаштириш ҳамда экиш ишларини ташкил этиш.	10 кун муддатда белгиланган муддатларда	Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Ҳайдаров), туманлар ҳокимликлари
9.	Экилган қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш учун уруғлик, кўчат, минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материалларини етказиб бериш.	Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан бир мавсумда камида икки марта ҳосил олиш чораларини кўриш, ушбу мақсадга эришиш учун тезпишар экинлар уруғи, кўчатлар, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа турдаги ресурслар билан барқарор таъминлаш тизимини яратиш; суғориладиган экин ерларидан янада самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш.	белгиланган муддатларда	Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Ҳайдаров), “Қарши нефтбазаси” МЧЖ (Махмудов), “Агрокимёхимоя” ҲАЖ (Дўстмуродов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Усмонов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Турсунов), туман секторлар раҳбари



10.	<p>Чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш орқали жорий йилда гўшт, сут, балиқ ва асал етиштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини ошириш</p>	<p>Вилоятда 16 та чорвачилик кооперациялари ва уларда қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш;</p> <p>2020-2021 йилларда насли қорамол етиштирувчи чорвачилик хўжаликлари томонидан 6 минг бош қорамол тарқатиш;</p> <p>четдан 8126 бош насли қорамол олиб келиш ҳамда 262 минг бош сигирларни сунъий уруғлантириш;</p> <p>жорий йилда 11 та сутчилик йўналишидага ва 13 та бўрдоқчилик комплекслари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;</p> <p>сунъий сув ҳавзаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳисобига балиқ етиштиришни 2 баробарга ошириш;</p> <p>гўшт йўналишидаги йирик паррандачилик хўжаликлари томонидан кооперация асосида Касби туманида 100 та хонадонда 500 бошдан парранда боқишни йўлга қўйиш;</p>	<p>белгиланган муддатларда</p> <p>2020-2021 йиллар давомида</p> <p>2020 йил давомида</p> <p>2020 йил давомида</p> <p>2020 йил давомида</p> <p>2020 йил май ойи</p>	<p>Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (Имомов), Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (Қурбонов), “Чорванасл” маркази (Аллаёров), Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси (Усмонов), туманлар ҳокимликлари</p> <p>“Қашқадарё балиқ саноат” МЧЖ (Шохимардонов), Ипотека банк вилоят филиали (Жабборов)</p> <p>Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Хайдаров), “Саноатқурилиш” банк вилоят филиали (Хаитов), Касби тумани ҳокимлиги (Мейлиев)</p>
11.	<p>Вилоятда асаларичиликни ривожлантириш, кластер тизимини жорий этиш</p>	<p>Китоб туманида “Тегирмон боши асаллари” деҳқон хўжалигини асаларичилик кластерига айлантириш ҳамда кластерга хонадонларни бириктириш.</p> <p>Биринчи босқичда 150 та хонадонга 1500 та асалари уясини тарқатиш ва йилиги 30 тонна қўшимча асал ишлаб чиқарилишини таъминлаш.</p>	<p>2020 йил май ойи</p>	<p>Вилоя Асаларичилар уюшмаси (Бойматов), Алоқа банк вилоят филиали (Бердиев), Китоб туман ҳокимлиги (Закиров)</p>

12.	Чорвачилик хўжаликларини хатловдан ўтказиш, ер майдонларидан самарали фойдаланиш	Чорвачилик хўжаликларидаги мавжуд чорва моллари учун ажратилган ер майдонларини хатловдан ўтказсин, мавжуд шартли мол бош сонига нисбатан ортиқча ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф киритиш	10 кун муддатда	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (Имомов), Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (Қурбонов), “Чорванасл” маркази (Аллаёров), Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси (Усмонов), туманлар ҳокимликлари
13.	2020 йилда режалаштирилган чорвачилик тармоқларидаги лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширилиши таъминлаш.	2020 йилда чорвачилик тармоқларида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқиб тасдиқлаш ва ижроси юзасидан ҳафталик мониторинг юритиш	10 кун муддатда	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Бўтаев), Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси (Пардаев), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Хайдаров), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (Имомов), Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги вилоят бўлими (Рузиев), тижорат банклари
14.	Чорвачилик дастурларида белгиланган кўрсаткичларни мунтазам мониторинг қилиб бориш	Чорвачиликда дастурларга асосан тасдиқланган параметр кўрсаткичларнинг бажарилишини ҳафтанинг ҳар жума куни муҳокама қилиб, зарур чоратадбирларни белгилаб бориш	ҳафтанинг ҳар жума куни	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Бутаев), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Боймиров), тегишли вилоят ташкилотлари, тижорат банклари ҳамда туман ҳокимликлари